

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИДА ЎТКИР
БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНING КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК АҲАМИЯТИ**

Саноқулова С.А.

sanoqulova.sitora@bsmi.uz

Бухоро давлат тиббиёт институти

Мавзунинг долзарблиги: Буйрак етишмовчилиги жигар циррози билан оғриган беморларнинг тез-тез учрайдиган асорати бўлиб, ҳар 5 бемордан бирида учрайди ва касалхонага ётқизилган беморларнинг 20–50 фоизида буйрак дисфункцияси аниқланади. Бу декомпенсацияланган циррознинг энг жиддий асоратларидан бири бўлиб, ўлим ёки жигар трансплантациясига олиб келади.

Татқиқот мақсади вирус этиологияли жигар циррозида ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланишининг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методи ва материаллари:

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасида вирус этиологияли жигар циррозининг субкомпенсация ва декомпенсация даври ташхиси билан диспансер назоратида турган 18 ёшдан катта бўлган 52 нафар беморлар, таққослаш гуруҳига 70 нафар беморлар, назорат гуруҳи сифатида эса 30 нафар соғлом шахслар танлаб олинди.

Тадқиқот предмети сифатида веноз қон, қон зардоби ва сийдик таҳлили олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот натижаларига кўра 105 нафар (86,06%) беморда гепатомегалия аниқланиб, Курлов бўйича жигарнинг биринчи ўлчами ўртача $15,53 \pm 0,67$ см бўлган. Кузатув давомида 17 нафар

(13,69%) беморда жигар ўлчамининг кичрайиши, спленомегалия 97 нафар (79,45%) беморда аниқланди.

ГРС ривожланган вақтда 42 нафар (34,42%) беморда гипотония мавжуд бўлган. Систолик артериал босим ўртача $102,65 \pm 2,3$ мм сим.уст., диастолик босим эса $65,33 \pm 1,55$ мм сим.уст. (медиана 60 мм сим.уст.) ни ташкил этган. 97 нафар (79,45%) беморда олигурия кузатилди.

Анамнестик ва физикал текширувга асосланган ҳолатда, 117 (96%) беморда умумий ҳолсизлик, 107 (88%) беморда кўнгил айланиши ва 102 (84%) беморда ўнг қовурғи остидаги оғриқ кузатилди. Тери ва кўз склерасидаги сариқлик ҳамда қоринда шиш (асцит) 74 (61%) беморларида аниқланди. Сийдик ҳажмининг камайиши 70 (57%) беморларида қайд этилди. Қўл ва оёқларда шиш ва спленомегалия 42 (34%), caput meduza 29 (23,8%) беморларда кузатилди. Палмар эритема 17 (14%) ва телеангиоэктазия 14 (12%) беморларда аниқланиб, нисбатан камроқ учрайдиган белгилар сифатида баҳоланди.

Хулоса. Вирус этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланишининг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ўзига хос нозологик ва демографик қонуниятларга эга. Эпидемиологик жиҳатдан ушбу асорат асосан сурункали вирусли гепатитларнинг узоқ муддатли персистенцияси фонида, кўпроқ эркак жинсига мансуб ва меҳнат қобиляти ёшидаги контингентда юқори частота билан намоён бўлади. Клиник симптоматология тузилмасида эса тизимли портал гипертензия белгилари (абдоминал шиш-асцит синдроми, спленомегалия) ва умумий соматик астенизациянинг жадал прогрессивланиши буйрак дисфункцияси ривожланишининг асосий клиник маркерлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукадырова М. А. и др. Генетический полиморфизм при хронических вирусных гепатитах //Инфекционные болезни: Новости. Мнения. Обучение. – 2022. – Т. 11. – №. 2 (41). – С. 64-68.
2. Абдукадырова М. А. и др. Зависимость тяжести поражения печени от репликативной активности вируса гепатита в и Д //Эпидемиология и инфекционные болезни. – 2018. – Т. 23. – №. 5. – С. 234-238.
3. Азимова С. М. Хронические гепатиты В и С в Таджикистане (эпидемиология, патогенез, клиника, диагностика и лечение) : дис. – Таджикский государственный медицинский университет им. Абу Али Ибн Сины, 2015. 36 с.
4. Арипходжаева Г.З. Хронический гепатит С. Метаболическая адаптация, патогенетические основы эффективности терапии: Автореф. дис. ... д-ра мед. наук. Ташкент, 2016. 32 с.
5. Облокулов А.А. Клинико-эпидемиологическая характеристика спонтанного бактериального перитонита при циррозе печени вирусной этиологии // Тиббиётда янги кун. - Тошкент, 2020. - № 3(31). – С.423-425. (14.00.10; № 22).
6. Облокулов А.А., Хамдамов Б.З., Исмаилова А.А., Убайдуллаев С.А. Подходы к изучению основных цитокинов у больных спонтанным бактериальным перитонитом при циррозе печени вирусной этиологии // Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси. - Тошкент, 2022 - №5. - С.129-131(14.00.36; №13).
7. Курбонкулова А.А., Ахмедова Н. Вирус этиологияли жигар циррози клиник- лаборатор хусусиятлари.//Analysis of world Scientific Views International Scientific Journal. 2023.